

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фиждувон туман Хокимлги ҳузуридаги

Ободонлаштириши бошқармаси

Харид комиссиясининг ранги



М.Туев
2022 йил

**ФИЖДУВОН ТУМАН ХОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ БАЛАНСИДАГИ
БАҚКОЛЛАР МФЙ ҲУДУДИДА ПИЁДАЛАР ЙЎЛАКЛАРИНИ
ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИЛОЙИХА СМЕТА
ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Фиждувон туман -2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси балансидаги Баққоллар МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини куриш ва таъмирлаш ишларига лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ишлари

1.2.Танловнинг юқори қиймати – 1 950 000 (бир миллион тўқкиз юз эллик минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Максулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якупнари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейинн “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Фиждувон туман Паҳтакор кўчаси 40 уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибида, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Объектнинг муракаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувоҳнома"
- Коррупцияга карши талаблар 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Ташкилотнинг оргтехника руйхати усқуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йурикномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти оркали рўйхатдан ўтганлиги тўгрисидаги хужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Охирги 3 йилда мазкур объект тоифаси ва қувватига мос иш тажрибасининг мавжудлиги
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўгрисида маълумотнома
- Охирги 3 йиллик баланс
- Инсофсиз изжочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўгрисида маълумотнома
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўгрисида маълумотнома

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибида мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рұксат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайды:
кайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-
мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда
ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва
“Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:
Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар
кўрсатилиши керак;
Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари,
тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа бояглик кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.
Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва
мухри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:
Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова
килинади).

- 4.4. Танлов иштирокчиси:
- факат битти таклиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ
жавобгар бўлади;
 - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш
хукукига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун
таълукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга
оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши
лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган
тартибида жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб
иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига
жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат
буюртмачиси билан ўрнатилган тартибида ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок
етиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.
Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган
муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши
керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиши
тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган
шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган
санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига
таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга
белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар
уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан
имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот
порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузиладиган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.